



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил

7 июл жума

Сотувда эркин нархда № 130 (2427)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING GAZETASI



(Галла — 2000)

ХИРМОН ЮКСАЛМОҚДА

Тошкент вилоятида давлатга галла сотиш режасини бажарган туманлар сафига ўртачирикликлар ҳам қўшилди. Хозиргача давлатга 26 минг тоннадан зиёд дон сотилди. Бу йил туман деҳқонлари 11 минг гектар ерга уруғ сепаётган эди. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 36 центнерни ташкил қилмоқда. "Корасув", "Роватка" ширкат хўжаликлари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг ўқув-тажриба хўжалигида бу кўрсаткич 40-45 центнердан ошди. Туманда ўрим жадал давом этмоқда. Чунки хали тўрт минг гектардан зиёд майдоннинг ҳосилини йиғиштириб олиш даркор. Давлат омиборига режага қўшимча бир ярим минг тонна дон топширилиб, яна шунча микдорда уруғлик жамғарилди. Колшан ҳосил эса деҳқонларнинг ихтиёрида қолади. Шунингдек, ўтган йилдагидан икки баравар кўп — ўн минг тонна уруғлик жамғарилмоқда.

Тасанно!

ОРОЛБЎЙИ БАЛИҚЧИЛАРИ

"Коракалпоқбалиқ" хўсадорлик уюшмаси жамоалари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмолчиларга 3200 центнер ўрнига 4260 центнер балиқ етказиб берилди. Мўйноқ туманидаги "Амударё", "Тентекарна" жамоа хўжаликлари, "Қозоқлар", "Қўнғирот" балиқ заводлари, Тўртқўл, Шуманай ва Хўжайли туманлари балиқчилик хўжаликлари, айниқса, юқори натижаларга эришди. Улар хозиргача 8-9 ой учун белгиланган режани уқдалади.

Хушхабар

КАЛОВИНИ ТОПГАЧ...

Сурхондарё вилоятида галладан бўшаган асосий майдонларга қўнжуқ, зигир, ербёғоқ экиляпти. Улар сувни унчалик кўп талаб этмаслиги, серҳосиллиги, ўсимлик мойи олиш имкончилиги тўғрисида шундай йўл танланди. Деновадаги "Сурхонсувоқ" хўсадорлик жамияти хўсадорлик жамоа хўжаликлари, деҳқон-фермерлар, шахсий томорка эгаллари билан икки томонлама манфаатли шартномаларни имзолай бошлади. Деҳқонлар етиштирилган маҳсулотлар учун олинган етмиш фоиз микдорда аванс пули олиш имконига эга. Маҳсулотларни даладан олиб келишни жамият ўз зиммасига олган.

Ҳиммат

ДАРСЛИКЛАР УЧУН 2,5 МИЛЛИОН СЎМ

Янги ўқув йили олдидан ўқувчи ёшларни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш яхши анъана бўлиб қолди. Бу жараёнга ҳомий ташкилотлар яқиндан бош қўшмоқдалар. Тошкент шаҳар йўловчилар ташит транспорт корхоналари давлат уюшмаси жамоаси ҳам янги ўқув йили олдидан катта ҳиммат кўрсатди. Уюшма бошқаруви ҳамда қасба кўмитаси қўшма қарори билан келгуси ўқув йилида ўқувчиларга совға сифатида икки ярим миллион сўм ажратилди. Бу маблағ ҳисобига Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлардаги ўқувчиларга дарслик ва ўқув қуроллари етказиб берилди. Шунингдек, ҳам таъминланган ва кўп болали автотранспортчилар оилаларининг фарзандлари ҳам дарсликлар билан бепул таъминландилар.

Интизом

НАЗОРАТ НИМАНИ КЎРСАТЯПТИ?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари транш орқали пахта хомаёси етиштириш учун берилган 426 миллион 800 сўм аванс пуллари Қоракалпоғистон Республикаси "Пахтаसानотсотиш" акциядорлик бирлашмасига қарашли пахта заводлари ҳисоб рақамларида «музлаб» ётганлигини аниқлашди. Назорат тартибидеги текширувдан сўнг Тўртқўл пахта тозалаш заводи туман фермерларига 12 миллион 300 минг сўм ўтказиб берди. Шунингдек, Қоракалпоғистонда йилги корхоналар билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини бажариш борасида ҳам жиддий нуқсонлар маъжудлиги аниқланди. «Нукуссу» акциядорлик жамияти 1999 йилда фермер хўжаликлари билан 1411 та шартнома тузиб, шулардан 360 тасининга бажарган, ҳолос. Хозирги кунда ҳам 12 та фермер хўжалиги «Нукуссу» акциядорлик жамиятидан 3 миллион 839 минг 900 сўм пулини ололмади сарсон-саргардон юрибди.

«Жалқ сўзи», ЎзА ва «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Уммонга қўйилгай азим дарёлар



ҚАДИМ БУХОРОГА БУХОРО ҚАЙТДИ

Самолёт бир депсиниб оёғини очди. Бу мозийнинг изларини борлигича келажакка элган Бухорои шарифга қўниш таратдуди эди. Бейхитёр паства қараймиз. Узун-қалта минорлар, салобатли қошинлар, замонавий иморатлар, паст-баланд дараклар, бир четда юлғинзор-сақсовул, парвоздан толқимган қаптар қудратли «қушча» билан бахшослаётгандек... Ўримдан бўшаган галлазор, пахтазорлар бу улуг заманга бирам ярашган, бирам ярашган.

Ўзининг 2500 йиллик тўйидан сўнг янада салобат бахш этган Бухоронинг туپроғидаги сир-синоатлар аҳли-мўминни шунчалар маҳлиб этгани, таърифин битиб бўлмас. Биламиз, тулроққа топагиб, мажруҳ, оёқ ости бўлиб ётган мозий истиқлол шабадасидан кейингина бош кўтарди. Мустақиллик қадим Бухорони Бухорога келтирди. Унинг шуҳрати тикланаяпти, улуг зоти шарифларнинг руҳлари шод этиляпти...



ЎТМИШ ВА БУГУН

Бухоро Сомониёлар даврида бутун Шарқдаги Ислам дунёсининг улғувор шаҳри ҳисобланган. Шаҳар атрофи анҳорлар суви билан мўл-кўл суғорилган, гўзал бинолар, табиат зеб-зийнатлари ажойиб уйғунлик яратган. Ана шундай анҳорлар буйлаб минглаб боғлар мавжуд бўлган. Арабистондан ташриф буюрган сайёҳлар меваси унча йирик бўлмаган кенг олхўризорларни кўкларга кўтариб макташган. Бухоро олхўриси бутун Марказий Осиёда энг яхши олхўри сифатида шуҳрат топган.

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси директори Роберт Альмеев бу фикрларни давом эттириб яна шундай дейди: археологик экспедициямиз Санкт-Петербург Давлат Эрмитажига ва Ўзбекистон Фаннинг Археология институтига штирокида Варахша массивидаги шахристонларнинг бирида қазим...

ма ишларини олиб борди. Дастлабки натижалар бу шаҳарча тош ва бронза асрларида пайдо бўлиб, воҳадаги энг қўнқна ёдгорликлардан бири эканлигини кўрсатди. Қўрғон таҳминан милoddan аввалги IV-III асрларда қурилган ва Юнон-Бақтрия подшолиги даврида бу ерда ҳаёт кизгин тус олган. Милoddan аввал VI-IV асрларга оид сополлар пахса деворлар, тўқши даст-деворлари, темирчилик ишлаб чиқариши, қишлоқ округлари, қўрғони ва шаҳар деворини икки қисмга бўлиш каби шаҳар аломатлари мавжуд бўлган.



Неча минг йиллаб тарихга эга бўлган шу азим гўшани зйбат қилиб, унда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ишларни кўриб, дилқас одамлар билан суҳбатлашишга нима етсин. Кўчалари наво, бинолари шинам. Қадам-қадамда фавворалар. Йўл чеккалари гулзор, кўкаламзор. Қадамга саранжом-сарашта. Қўрган сари қўрғинг, эшитган сари эшиттинг келади. Шунчалар ўзгариб кетибди-я, Бухоро!



Қисқа вақт ичида аҳолини таъминлаш даражаси вилоятда 85,3 фоизга етди. Қишлоқ жойларда эса, бу рақам 77 фоизни ташкил этади. РАҚАМЛАРГА БОҚИҢГ, РАҚАМЛАРГА Аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш мақсадида бандлик дастури асосида кейинги икки йил мобайнида 36 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилди.



ТАЙЁРГАРИК ҚИЗҒИН

Тошкент вилоятида Мустақиллик байрамнинг 9 йиллиги олдидан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ 12 августда умумхалқ ҳашари ўтказилди. Ундан тушган маблағнинг ярми вилоят ижтимоий жам-

фармаси ҳисобига, қолган ярми шаҳар ва қишлоқларда байрамни юксак савияда ўтказишга сарфланган. Вилоят бадийи жамоаларида ҳам бугун иш қизгин. Маданият ишлари бошқармаси энг яхши деб топилган бадийи дастур учун танлов эълон қилди. Пойтахтда ўтадиган байрам тантаналарида иштирок этадиган бадийи жамоа учун либослар, жиҳозлар ва сахна эскизларига хозирда-ҳол буюртма берилмоқда.

Н.ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

БОЗОР: ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ ЯХШИЛАНДИМИ?

Кейинги йилларда Тошкент бозорлари янги юёғра касб этаётганини ҳеч кимга сир эмас. Хизмат маданиятини ошириш, маҳсулотлар мўлқўллагини таъминлаш, сотувчи ва харидорлар учун қўлай шарт-шароит яратиш юзасидан ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Аммо бозорлар фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳали кўпгина нуқсонлар мавжудки, бу ҳақда матбуот нашрларида қайта-қайта ёзиламоқда. Тошкент шаҳар

ҳокимлиги, «Тошбозортайёрлов» уюшмаси раҳбарияти бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, мавжуд аҳолини ўнлаш, савдо-сотик жараёнини тартибга солиш йўлида тегишли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳамшаҳарларимиз хотиржам бўлишлари мумкин: бозорлардаги мавжуд камчиликлар тез орада бартараф этилади, аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиш таъминланади. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда бу сўзлар тақдор-тақдор айтилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Н. ТОШЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик ЎЗБЕК-НЕМИС ФАКУЛЬТЕТИ

Тошкент меъморчилик-қурилиш институтининг Германиядаги «Зенде-Фюльда» тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ўқув маркази билан ҳамкорлиги ўз ижобий натижаларини бермоқда. Самарқанддаги Шохи Зинда ансамблидаги Шохи Мулк ота мақбарасини қайта тиклаш лойиҳасини тайёрлашда бу ҳамкорлик кўл келди. Олий ўқув юрти билан «Зенде-Фюльда» ўқув маркази ўртасида навбатдаги яна бир шартнома тузилди. 2002 йилгача мўлжалланган бу ҳамкорлик битимига биноан тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари давом эттирилади. Шуниси эътиборга сазоворки, ўзаро келишувда Тошкент меъморчилик-қурилиш институти ҳузурида ўзбек-немис факультетини очиш кўзда тутилди. Мазкур янги факультет тарихий ёдгорликларни қайта таъмирлаш соҳаси бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади.

А. АҚБАРОВ.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI

Кеча Олий Мажлис Атроф мухит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилишда мазкур кўмита раиси Қ. Жумабеков олиб борди. Кун тартибидеги масала юзасидан кўмита қотиби Э. Мирзаев ва Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Асатовларнинг ахбороти тингланди. Йиғилишда таъкидланганидек, вилоятда ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилган. Бу ҳақда ишлаб чиқилган дастур бўйича вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси қатор тадбирларни адо этишмоқда. Мазкур идора ўтган уч йил ичида 1785 та саноат корхонасини текширувдан ўтказиб, 39,9 минг чиқинди манбасини тадиқ этган. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун 444 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Улардан 915 минг сўм ундирилган. ДАНнинг шаҳар ва туман бўлимларида 24 та доимий экология постлари ташкил этилган. Айна пайтда вилоятда 3 та кўча экология лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Текширувдан ўтказилган автотранспорт корхоналаридаги 21127 та автомобилдан 5629 таси экологик жиҳатдан хавfli эканлиги аниқланиб, 249 нафар

мансабдор шахсга нисбатан маъмурий таъсир чораси кўрилди. Йиғилишда эришилган ютуқлар билан биргаликда мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш борасидаги айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам борлиги айтилди. Чунончи, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси сўнги уч йил ичида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича янги стандартлар жорий қилмаган. Ўзаро мулоқотларда мазкур кўмита хонунинг 11, 13-моддалари ижросини бажармаётганлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, вилоятда атмосфера ҳавосини ҳолатининг мониторингини ҳам талаб даражасида эмас. Олмалик ва Ҳангарон шаҳарларида ҳавонинг ифлосланиши устидан кузатувлар бўлиб бориш тўғрисида қўйилди. Ҳолбуки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши устидан кузатувлар, чиқиндилар чиқарувчи манбааларни назорат қилиш туну кун олиб борилиши керак. Афсуски, бу ишда узилишлар кўп. Қўлланилаётган услублар эскириб қолганлиги боис ҳақиқий ҳолатни билиб бўлмайдди. Устига устак, ёқилги ва ёнилғи-мойлаш материаллари сифатининг пастлиги ҳанузга қадар атмосфера ҳавоси ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда кўмита ва ишчи гуруҳ аъзолари, мутахассислар қўрилган масала юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Муҳокама этилган масалага доир тегишли қарор қабул қилинди.

Ф. САНАЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ВИЛОЯТЛАР РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника кўмитасида мамлакатимиз ҳудудларида инновация фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятларнинг фан ва техника марказлари раҳбарлари, интеллектуал мулк муҳофаза си соҳасидаги олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Семинарда мамлакат ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришдаги номунасобликларга барҳам бериш Ўзбекистондаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири экани қайд этилди. Шу тўғрисида вилоятларда маҳаллий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган амалий тадбирлар ва инновация фаолиятини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу иш илмий-техник ва инновация дастурлари талловларини ташкил этиш ва уларни рағбатлантириш йўли билан амалга оширилмоқда.

Бундан бир неча йил аввал Давлат фан ва техника кўмитаси вилоят ҳокимликлари билан биргаликда бир қанча вилоятларда ҳудудий фан ва техника марказларини ташкил қилган эди. Бугунги кунда бундай марказлар Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ва Фарғона водийсида фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказлар камсонли ходимлар ишлайдиган менежерлик тузилмаларидан иборат. Улар илмий-тадиқот ва конструкторлик-технологик муассасалар, олий ўқув юртлари, корхоналарнинг ҳудудий илмий-техник лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Марказлар вилоятларни ривожлантиришига устувор йўналишларига доир лойиҳалар талловларини ўтказди. Шунингдек, патент-лицензиялаш иши, ахборот тизимларини шакллантириш, мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатлардаги фан ва техника ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш бўйича маслаҳат ёрдмалари кўрсатади. Марказлар инновация эгалари билан истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишига ҳисса қўшмоқда.

Марказлар ҳудудий муаммоларни аниқлаш учун мунтазам равишда ҳокимликлар, турли ташкилотлар, йирик давлат корхоналари, кичик ва ўрта корхоналар вакиллари иштирокида ишбилармонлик учрашувлари, семинарлар ўтказиб келмоқда. Муаммолар ечимини топиш ишига маҳаллий олимлар, пойтахт олий ўқув юртлари ва илмий-тадиқот институтлари мутахассислари ҳам жалб этиляпти. Семинар иштирокчилари ҳудудлар иқтисодиётини турли соҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самардорлигини ошириш имкониятларини муҳокама қилишди. Семинарда таъкидланганидек, бу борада вилоят муайян ютуқларга эришилган. Масалан, Наманган вилояти фан ва техника маркази фаолияти диққатга сазовор. Бу ерда тарқибда ёғ бўлган соя, софлор сингари ноъванавий ўсимликлар етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича самарали технологиялар яратилди. Тўрақўрғонда ташкил этилган кичик корхона мана шундай ўсимликлардан ёғ олиб, туман аҳолисининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондиримоқда. Поп туманида эса маҳаллий хомаёдан рубероидга нисбатан арзон бўлган «Рубемаст» материални ишлаб чиқариш қилинмоқда. Уни ишлаб чиқариш технологияси бир қанча МДҲ мамлакатларида қизиқиш уйғотмоқда.

Семинарда вилоят марказлари фаолиятини такомиллаштириш йўллари белгиланиб, уларнинг ҳудудлар илмий-техник салоҳиятини кенгайтиришдаги ҳиссасини ошириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш, бозор шариоитида инновация фаолиятини кенгайтиришга доир аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.



СУРАТ ВА СИЙРАТ


«Бухоро қадим-қадимдан шеърорак баҳодирлар, мард паҳлавонлар юрти бўлиб келган. Бугун дунё миқёсида эътироф этилаётган ўзбек курашининг ватани ҳам мана шу заминдир».

ҚАДИМ БУХОРОГА БУХОРО ҚАЙТДИ

мактаб-интернати директори Тўхтамурод Жумаев. — Аммо уларнинг издошларини ҳам тарбиялаётганимиз бизга ғурур бахш этади.


Фармон талабларини амалга ошириш, Давлат дастурида қайд қилинган тадбирларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Бухоро қадимий «Буюк Ипак йўли»да жойлашган шаҳарлардан биридир. Вилоятда мингга яқин меъморий обидалар мавжуд бўлиб, улар ўтмиш авлодларимиз тарихи ва анъаналаридан дарак бериб турибди.



даний меросимизни намойиш қилаёмиз, — дейди «Бухоро турист» хиссадорлик жамияти раиси Мансур Зокиров. — Хорижий сайёҳларнинг юртимизга кўплай келиши қадимий анъаналаримизни тиклаш имкониятларини ҳам яратиб берди.

яратиш мақсадида 5 та замонавий автобус сотиб олдик, — дея суҳбатини давом эттиради М.Зокиров. — Хоналарни телевизор ва мини барлар билан жиҳозладик, 25 та хонани таъмирлаб, бир киши яшashi учун мослаштирдик.



тематика, инглиз тили факультетлари мавжуд. Мактабимизда қарола олимпиадами, мусобақами йўқки, ўша ерда менинг ўқувчиларим биринчи ўринни олмади.

бор. Қудрат бор. Мангулик бор. Айниқса бугунги дорилонмон паллада у янада салобат кашф этган.

Утган йил 15 апрелда «2005 йилга бугун даврда» ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони Бухорога нисбатан яна бир эътиборни қаратди.


Бу муқаддас заминда массагетлар маликаси Тўмарсинг қони оқаётганлиги ҳам фахр ила айтылади. «Тазквандо» бўйича қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Қорақўл туманидаги 16-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шарофат Абдуллаева бежизга голиб чиқиб, чемпион бўлгани йўқ!

Улкан фахри туйган муаллимнинг ғурурлиги гапирчиларига тўймайди киши. Қойил қолдик. Домла бежизга айтмаган экан. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, вилоятнинг мактаб битирувчилари 1997 йилдан буюн республикамиз олий ўқув юртига кириш чоғида, тест синаловини бўйича, энг юқори рейтингни эгаллаб келаётгани. Устознинг ўз ўқувчиси ҳақида тўқингани гапиргани, суюнгани

• Айни вақтда бухоролик иқтидорли ёшлардан 42 нафари «Умид жамғармаси» орқали дунёнинг энг нуфузли университетларида таҳсил олмақда.

• Агар уч-тўрт йил бурун бу ерда келатган туристлар сонининг 5 минг атрофида бўлган бўлса, бу кўрсаткич бугунга келиб 35 минг нафарни ташкил этади.

— Биз тарихи бор халқ, эртаси нақд миллатимиз. Улуғ боболаримиз Имом Бухорий, Абдуқолиқ Ғийдувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино, Мухаммад Наршахий, Ахмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминовдан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар



СУХБАТ АРХИВ — БУ ҲАМ ХОТИРА

Истиклолдан сўнг архивлар фаолиятида ҳам ўзгаришлар юз берди. Олий Мажлисининг 1999 йил апрел ойида бўлган XIV сессиясида «Архивлар тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

— Абдурашид Бўтаевич, мустақилликдан кейин архивларга бу қадар катта эътибор берилганлиги замирида, албатта, катта маъно бор... — Ҳа. Архивларда сақланган ҳужжатлар ўзига хос тарзда халқ хотираси ҳисобланади. Хотира эса ниҳоятда керак. Ахир хотирасиз келажак йўқ, деб Юртбошимиз бежизга айтгани йўқ.

— Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архив бўлимида 1924 йилдан то ҳозирги кунга қадар давлат муассасалари, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, ҳўжалиқлар ва алоҳида шахсларнинг ҳўжатлари сақланиб келинмоқда. 1991 йилда Қашқадарё тумани ҳўжалиқ хўсибидидаги идораларро шахсий таркиб архиви, 1992 йилда вилоят давлат архиви махсус курилган замонавий биноларга эга бўлди.

— Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архив бўлимида 1924 йилдан то ҳозирги кунга қадар давлат муассасалари, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, ҳўжалиқлар ва алоҳида шахсларнинг ҳўжатлари сақланиб келинмоқда. 1991 йилда Қашқадарё тумани ҳўжалиқ хўсибидидаги идораларро шахсий таркиб архиви, 1992 йилда вилоят давлат архиви махсус курилган замонавий биноларга эга бўлди.

— Асосан моддий-техник базамизни мустаҳкамлаш, архив ҳўжатларини талаб-бери асосида асрашга эътиборни қаратаёмиш. Вилоят давлат архиви ва унинг 4 та бўлимига бор. 12 та ҳўжалиқ хўсибидидаги шахсий таркиб архиви ҳам фаолият кўрсатапти. 1993 йилдан бери вилоят туманларида 5 та архив очилди. Бўхористон ва Усмон Юсупов туманларида ҳўжалиқ хўсибидидаги шахсий таркиб архивлари ташкил этилди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати шундаки, биз қадрлар малакасини оширишга жиддий эътибор бераёмиш. Ходимларимизнинг етти элларда малакасини ошириш, хориж тажрибасини ўрганиш ўзимизда татбиқ этишлари учун ҳаракат қилаёмиш. Шу мақсадда уларни чет элларга юбораямиш. Масалан, Қарши туманидаги шахсий таркиб архивининг директори Жони Султонов Малайзия миллий архивига 2 ой ўқиб, тажриба орттириб қайтди. Бу йил яна бир киши Малайзияга боради.

О.Ғоиповга ҳайфсан берилди. Туман молия бўлими томонидан газета ва журналлар обунаси учун 50 минг сўм маблағ ажратилди. Айни чоғда кутубхоналарга лотин алифбосидаги янги адабиётлар сотиб олиш учун маблағ ажратилиши чора-тадбирлари кўрилмоқда. Кутубхоналарни таъмирлаш, қишчи мавсумга ҳозирлаш бўйича ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИЛХОМ» ТЕАТРИ ШУ КҮНИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИҚТИДОРЛИ ОМУНУЛЛА МАЪДИВГА НАСИБ ҚИЛДИ

У 350000 доллар орасидан андижонлик Омунолла Маъдивга насиб қилди. «Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» компанияси томонидан уюштирилган ушбу лотерея ўйинини бугунги кунда қаттадан қишқичкача яхши билдилади. Биринчи, «Хонини сотиб, автомобилни олиб» деб номланган ўйин бундан тўрт йил олдин ташкил этилган эди. Унда бир киши автомобиль, 50 киши телевизор, 150 киши эса видеокамерага эришди.

ОМОН БЎЛИНГ, ҚЎШНИЛАР

Оила жамиятининг ибтидо нуктаси бўлса, маҳалла давлат ичидидаги кичик давлатдир. Қўни-қўшнилардан иборат бу кичик давлатнинг нифузи унинг осойишталиги, қўшнилар ўртасидаги аҳиллик билан белгиланади. Юртимизда маҳаллага алоҳида эътибор берилиб, ўзини-ўзи бошқарувчи нодавлат ташкилотли макрами берилишининг боиси ҳам ана шунда.

Аслида қўни-қўшничиликка, маҳаллага қадимдан эътибор кўчи бўлган. Хозирги кунда давлат даражасида аҳамият берилмаган бўлса ҳам қўни-қўшнилар аҳиллиги, бори-келди, жўраччилик алоқалари мустаҳкам эди.

Яна бир қўшмин Фанияхон ая Йўлдошев саксонки қоралаб қолган. Ая билан суҳбат қилсангиз дилингиз яйрайдди. Унинг ҳаётдан нолганини, биррови иғво қилганини эшитмаганман. Жуда сажий, қўшини деса жонини беришга ҳам тайёр инсон.

Ана шу аяномимиз ҳар йили сумалак қилади. Ана шу сумалак бахона қўни-қўшниларни қовуштиради. Узи учун эмас, маҳалла-қўй, қўшнилар учун қилади. Бу йилги сумалакдан, ишонсангиз, ўзига бир қоса ҳам олиб қолмайд.

«Нега бундай қилдингиз?» — десек, — Мен қозоннинг «тагини» яладим, савоби шунда, омонбўлгур қўшниларим есин, — деб жавоб бердилар. Угли Нуриддинжон Йўлдошев эса аясини эъзоланган, жиянларини ота касби — сартарошликка ўргатган олижаноб, қўшничиликни ўз ичига қўйдиган хамиятли йигит.

Учунчи «НЕКСИЯ» У 350000 доллар орасидан андижонлик Омунолла Маъдивга насиб қилди. «Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» компанияси томонидан уюштирилган ушбу лотерея ўйинини бугунги кунда қаттадан қишқичкача яхши билдилади. Биринчи, «Хонини сотиб, автомобилни олиб» деб номланган ўйин бундан тўрт йил олдин ташкил этилган эди. Унда бир киши автомобиль, 50 киши телевизор, 150 киши эса видеокамерага эришди.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат Акционерлик компаниясининг Тошкент бўлими «Халқ сўзи» рўнаомасининг 24 июн №121 сонида чоп этилган эълонга аниқлик қилиб шунини маълум қилди, Тошкент бўлими йўлида «Тошкент темир йўл юк ташкили»нинг ташкил этилиши муносабати билан, бўлима қарашли, эълонда санаб ўтилган барча корхона, ташкилот ва бекатларнинг юридик шахс макрами 2000 йил 01 июлдан бекор қилинади.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар КУТУБХОНАЛАРГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛДИ Газетамизнинг шу йилги 19 апрел сонида «Кутубхоналар угаими» сарлавхали мўъжазига танқидий мақола чоп этилганди. Унда Фаллавор туманидаги кутубхоналар ниҳоятда ноқор аҳволда эканлиги қуйида қайд қилинганлиги алоҳида уқтирилганди. Шу муносабат билан ақинда туман ҳокими А. Абдусамидовдан расмий жавоб олдик. Унда, жумладан, шундай дейилди: «Мақола туман ҳокимлигида барча маданият муассасалари ходимлари иштирокда муҳожама қилинди. Муаллиф тилга олган далиллар асосли эканлиги тасдиқланди. Камчиликларини бартараф қилиш ўзисидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Тумандаги кутубхоналар фаолиятини етарли даражада назорат қилиб бормагани, ўз вазифасига совуқлик билан қарагани учун марказлашган кутубхона директори

Солижон БОЙМАТОВ, Янгийўл шаҳор «Масъуният ва маърифат» марказининг раҳбари, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Сухбатдош М.САФАРОВ.



БУГУНГИ САБОК - ЭРТАНГИ ПАРВОЗ


Бухоро воҳасидаги кўхна Сумитон кўрғони қадимий минг йиллик тарихини ўзида муҳасамлаштирган археологик ҳудуддир. Мана шу ерда Урта Осиёдаги энг катта Чор Бақр мазморий мажмуаси «некрополи» бўлиб, у тарихимиз ва маданиятимизнинг минг йиллик гувоҳи сифатида бизгача етиб келган обидадир.

ҚАДИМ БУХОРОГА БУХОРО ҚАЙТДИ

лилари бошқа жойга кўчирилди ва унинг чегаралари белгиланиб девор билан ўралди.

хар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кўзлаган мақсадига эришди. Орехово-Зуевода Бухоро савдо уйи очилди.

Фақат қоракўлини эмас, чет элда биз ясаган пичоқ ва мисгарликдан ҳам боқарлар бор, — дейди темирчилик хунарамдочилик устахонаси бошлиғи, усто Сайфулло Икромов.



Утган йил вилоят идоралари, ташкилотлари ва халқи ташаббусини қўллаб, вилоят ҳокимлиги бошчилигида хайрия-ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Чор Бақр мажмуасида кенг маънода таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошланган эди.

— 26 ноябрда киши масвумга ўтиш ва ҳавонинг совуши, намгарчиликнинг кўпайиши муносабати билан таъмирлаш. Маданият ишлари вазирлиги қўлидаги тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси томонидан тўхта-тилди, — дейди вилоят тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси бошлиғи Тўйгун Бойлов.



— Миллат қачон улۇф бўлади? Утмишини кўзига суртса, эртасига ишонч ила қараса, кўнглидаги гурур ҳисси сўнмаса. Энг асосийси, юртин бировга кўз-кўз қилиб, шундан лаззатланса. Нимага қодирлигини кўрсата билса.


шурни қамайтиради. Қабристондан кўтариладиган микробли чангланинг тарқалишига санитар тўсиқ ҳудуди бўлиб хизмат қилади.

Бугунги давр ва халқаро талабларга мувофиқ консервация ишларига катта эътибор берилди, яъни иложи борича эскисини сақлаб қолиш тенденциясига амал қилинди.

«Қизил байроқ» остида кўймоқчи бўлди. Уни хурафот ўчоғи, дея ноҳақ қоралади. Шояд-ки, кўнлар, ойлар, йиллар, асрлар ўтиб Бухоро Шариф устида нур балқиди. Бу Истиклол кўшиги эди. Шу қундан, Бухоронинг аввалиги шўхрати сайқалланди. Мустақиллик Бухорони асл кўрғонига! Бухорога қайтарди! У энди абадийдир!

• Сўнги йилларда кўриб битказилган «Олимпия» спорт мажмуаси, чим ҳоккейи стадиони, бадий гимнастика спорт мажмуаси, «Семур» суе ҳавзаси, «Хумо» теннис комплекси спортчиларнинг сезилми мақсадига айланган.

• Икки йил муқаддам бир йўла 10 миң одамни бағрига оладиган Масжиди қалонга 153 миллион сўм маблағ сарфланиб, қайтадан таъмирланди.



Утган йил вилоят идоралари, ташкилотлари ва халқи ташаббусини қўллаб, вилоят ҳокимлиги бошчилигида хайрия-ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Чор Бақр мажмуасида кенг маънода таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошланган эди.

ШУҲУҚУМАЗ МУЪЖИЗА (достондан парча)

Отаси тинларкан унинг сўзини, Бир оз ноқулайроқ, сездн ўзини: — Углим, интилишинг яхшидир аммо, Бу янглиғ ҳал бўлмас ҳеч бир муаммо, Аллоҳ қудратига келтирмасми шак, Лоқимдир охири яхши ўйламак! Абу Мансур деди: — Астафурриллоҳ, Хар ишни бошламай дерман бисмиллоҳ! Аллоҳ буюрмишдир ишлат деб ақл, Жамъи уламога аён бу нақл! Динда чуқур кетиш, айлаш иштилоф, Ёлғон-яшиқ, тўқшн ҳамда уриш лоф, Густоҳлик саналай, зуноҳи кабир, Бундайларга бордир азобу жабр... Қуръон мазмунини шарҳлаб батафсил, Ҳам бориб Бағдодда олсам гар тасхил, Кўнгилада қолмасди орзу армоним, Ушбу иштиёқда ўртанар жоним. Уни неча бора қиладим имтиҳон, Аҳсант, тополмадим бирорта нуқсон. Айтсам масалани очиб сирини, Билмасман мен унинг ўндан бирини. Масъала талашиб ўтирмас зинҳор, Мантқиҳан исботлаб сўзлағай бир бор. Қироятн яхши, доно, суҳандон, Ҳадисдан тенги аўқ, ҳофизн Қуръон. Бир зарба «Бақара», «Нисо» то «Анфол» Сураларини ўқиб айлағайдир лол. Ҳам шарҳлаб мазмуни айлағай тафсир, Мисоли доғишман, ориф, муфассир. Отаси дедик: — Бу Кўксаройда, Углим, кўқаради дарахт бир жойда! Бағдодда борини қилмағай ҳавас, Кўнгила хоҳишига қулоқ солма, бас. Кўш даҳлар чиқди ушбу Турондан, Бош олиб кетишди она макондан.

Хоразмий, Фарғоний ҳам Самарқандий, Ахир шу тупроқнинг эди дилбанди. Улар Ватанига қайтмади болам, Янграмасин десанг фиғону нолам, Сен бундай йўл тутма, бизни унутма, Олис ўлкалардан саодат кутма! Улар келмай, айтар сўзларин айтди, Ёзган китоблари пайт келиб қайтди. Ҳозир эса кўндир хавф ила хатар, Қароқчилар кезар ўлатдан баттар, Қароқчилар таланиб, бошлар кесилар, Ўйласа одамнинг қаби зиллар. Илм Бағдоддамас, илм китобда, Наинки орзуо ҳаёлу хобба. Самарқандда олган илму закони, Ўзинга қаратган чамши дунёни. Сен борма Бағдодга китобинг борсин, Сенинг номинг ила шўхрат чиқарсин. Ота-бола шўндоқ айлаб мулоқот, Турган эди келди муҳтарам устод. Одоб юзасидан сўнг Абу Мансур, Улардан четланди дея: — Кўп, узр! Устод деди: — Ҳаққа минг бора шўр, Авлиё бўлағай, ҳа бу Абу Мансур... Абу Мансур эса, закий дилшўр, Осмоний шўхларга бўлғудай вазир, Илму истеъдоди баланддир гоёт, Ўртадан айлабон рушду ҳўйбат. Мартабасин ҳали этгай юқори, Оламга таралғай шан-ифтихори. Илми фарз этмиш ҳўмлати Мабууд, Демакки шўхасиз ўндан етар суд. Агар илхос билан этилса ама, Илм отуни ҳам айлағай аса. Гап таноби етсач шу жойга устоз Деди: Абу Мансур бўлағай сарафроз, Минг йилда бир келур бундоғ истеъдод, Маънавият мулкин этгай обод». Олимжон БҮРИЕВ.



«ЁШЛАР» «ПАҲЛАВОН»НИНГ УКАСИ

Наманган вилоятида ҳамкасблар Уйчи туманига борини маслаҳат беришди. Кишлоқ жойда спорт билан шўғулланиш учун қандай шароит яратилганлигини, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмония тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қандай ижро этилаётганини ўз кўзингиз билан кўрасиз, дейишди улар.

волейбол, баскетбол, гандбол тўғрақларида 18 миллатга мансуб маҳаллий аҳолининг ўғил-қизлари жисмонан чиқиқиб, маҳоратларини оширишмоқда. Уларга 18 нафар малакали мураббий сабоқ беради.

Бордик. Дарҳақиқат, мактаса арзиғулик тадбирлар амалга ошириляпти экан. Барча ишлар яхши йўлга қўйилганлигининг боиси эса бу ерда ташаббускор, ҳар бир жараёнга фаол муносабатда бўладиган инсонларнинг кўплигидир.

Ха, энди битта ҳўжалиқда йўқ жойдан имконият топиб, кўрғазма учун қилингандир. 45-ўрта мактабинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Владимир Вахтел ташаббуси билан бошланган хайрли иш бугун ўз самарасини бермоқда. Нима экан дейсизми? В. Вахтел кишлоқда хашар йўли билан спорт сариш қилиш ташаббусини илгари сурди. Унинг тақлифини «Қизилравот» раҳбарияти, 9 ва 10 кўча қурилиш жамланмалари бунёдкорлари, ҳўжалик аҳли қўллаб-қувватлашди. Натиханда қисқа фурсатда 17,5 миллион сўмлик иш баҳарилди. «Қизилравот» спорт мажмуаси қад ростлади. Вилоят ҳокими бошчилигида ушбу спорт маскани тантанали очилганда қарилар кўзларига ёш олди: «Бундан 9-10 йил олдин кишлоқингизда шунақа қошона қурилади, деса ишонмасдик. Ахир бу ҳам мустақиллик шарофатида. Йўқса, шунақа йил яшаб кишлоқда спорт билан шўғулланишга шароит яратамиз, деганин эшитмаганмиз».

«Қизилравот»даги футбол, теннис, стол тенниси, бокс, кураш, «Дўстлик» фуқаролар йиғини қошида ишга туширилган теннис корти ҳам ўзининг бежиримлиги билан киши эътиборини тортди.

Ишонмасангиз тумандаги А. Мўминов номидаги ширкат ҳўжалиқига ташриф буюринг, ўзингиз гувоҳ бўласиз. Хар бригадада бунёд этилган дала шийпонларини курорт шахарлардаги жажжи дам олиш масканларига ўхшатасиз. Энг муҳими, у ерда волейбол, теннис, стол тенниси, шашмат-шашка билан шўғулланиш, чўмилиш учун барча шароитлар муҳайё.

Ширкат ҳўжалиғи раиси Тохир Исмаиловнинг ҳам, туман ҳокими Содикжон Азимовнинг ҳам спорт формаси о ракеткиси машинасининг юкюнасида юриди. Имон бўлган пайтда яқин орадаги шийпонга келиб меҳнат-қашлар билан бирор спорт тури билан шўғулланишга киришяшди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шўғулланишга ана шундай қулайликлар яратилган Уйчида эндиликда халқаро турнирлар ҳам бўлиб ўтмоқда. Жумладан, яқинда эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақада мезбонлар жамоаси биринчи ўринни эгаллагани, айниқса қувончлидир. Хуллас, Уйчида спорт билан шўғулланиш тобора оммалашмоқда. Тумандаги болалар боғчаларида «Отам, онам ва мен», ташкилот ҳамда муассасаларда эса «Саломатлигимиз ўз қўлимизда», шийорлари остида турли-туман беллашувлар ўтказиб турилади. Албатта, бу жойлардаги раҳбарларнинг соҳага диққат-эътибор қаратиши, элим, юртим деб ёндаган ташаббускор инсонларнинг сый-ҳаракати мевасидир.

Озод РАҲАБОВ, «Жалқ сўзи» мухбири. Наманган-Тошкент.

«Кизилоқ спорти»

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! «ТУРОН» АКЦИЈАДОРЛИК-ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ жисмоний шахсларнинг мўддатли омонатлари бўйича фоида ставкаларининг ошганлигини маълум қилади. Сизларга ўз хизматларини тақлиф қилади ва бўш турган маблағларингизни жамғармаларга қабул қилади. Республикаимизнинг ҳамма вилоятларидаги жамғарма кассаларимиз сизларнинг маблағларингизни чегараламаган миқдорда жамғармаларга қабул қилади. Банк сизнинг жамғармангиз ҳажмининг сир сақлашга ва уни биринчи талабнингизга буюн беришга қафола беради. Маблағларингизни сиз танлаган жамғарма турига жойлаштириб, сизнинг капиталингизни кўпайтиради. «ТУРОН» АКЦИЈАДОРЛИК-ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ СИЗГА ЖАМҒАРМАНИНГ ҚЎЙИДАГИ ТУРЛАРИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

Омонатнинг тури ва мўддати	Даромад фойизи	Дастлабки энг кам бадал
Нафосат (12 ой)	йилига 36%	3000 сўм
Олмос (6 ой)	6 ойига 18% ва 1% мукофот	2000 сўм
Истиқлол (3 ой)	3 ойига 9%	1000 сўм
18 йилгача (5 йилдан кам эмас)	йилига 40%	100 сўм
Орзу (3, 6 ва 12 ой)	йилига 36% ва ҳар ойлик капиталлаштириш	2000 сўм

АТББ «ТУРОН» Биз ҳар доим сиз билан ва сиз учун!

ПОСБОН ЖИНОЯТЧИНИ УШЛАДИ Жамоат тартибини сақлаш, жиноятнинг олдини олиш ва ҳатто жиноятни фош этишда маҳалла посбонларининг хизмати катта бўлаётди. А. Икромов тумани, Навоий маҳалласида котилик содир бўлди. Беғуноқ кишининг тўққиз жойига пичоқ урилиб, «ерминада ишлаб чиқарилган» «Гурунлик» телевизорни ўғирлаб кетилди. Навоий маҳалла посбонлари сардори Равашан Зайниддинов жиноятчи изига тушди. Гумондор шахсларни ўрганиш, суриштирув ва тергов жараёнлари натижа-сида у телевизор ўғириси, котилиннинг уйигача кириб борди. «Гурунлик»даги кин излари ишга ойдинлик киритди. Котил С. Суриш туман ички ишлар бўлимига топ-ширилди. Жиноятни фош этгани ва жамоат тартибини сақлашдаги намунали хизмати учун маҳалла посбонлари сардори туман ички ишлар бўлимининг рағбатлан-тирувчи мукофоти билан тақдирланди. «Туркистон-пресс»

Машиниот ДУ-25, ДУ-76, ДУ-50 мм, соғади. Мулоқот учун телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 46-19-46, 144-38-18 (факс). Самарқанд филиалида (366-2) 33-13-44.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи Вирусология илмий текшириш институти директори Шабоб Хўжаевага уқаси Иноватилло ШАМСИДДИНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент Давлат Иқтисодий Университети жамоаси «Ўқув ва усулвий ишлар бўйича ректор муовини Ҳикматулла Лутфуллаевага оқаси Саодатхон ая ОБИДОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. «Мебель» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси, жамият бош-қаруви раисининг ўринбосари Абдурашид Ҳакимовга волидан муҳтарамаси ПОЗИМАҲОН АЛИНОВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАВБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙШЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Иқтисодий-сўғий хайт — 133-57-34; Хўқуқ — 136-07-94; Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва иқтисодий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро хайт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табок, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томондан саҳифаланди. Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ. Навбатчи — О. РАҲАБОВ. Муасхих — Ш. МАНРАББОЕВ. Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тахрирятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6